ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 15-16 (147-148) | 2000 йил 23 февраль, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

Маҳалланинг Олий Мажлисда шаклланган яна бир суянчиғи, қонуний ҳимоячиси бор

Маҳалла - янги, адолатли, демократик жамият таянчи

Ўзбекистонимизда шакл ва мазмун жиҳатидан янги Парламент шаклланди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг таркибида илк бор янги «Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» қўмитаси тузилди.

Мамлакатимизда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жамияти-мизнинг ҳар бир жабҳасини, хусусан жамоатчилик фаолиятини тағин ҳам эркинлаштириш ишида ўзини ўзи бошқариш органлари, энг аввало маҳалла фуқаролар йиғинларининг бевосита иштирок этиши, жамиятимизда умуминсо-ний ҳамда миллий қадриятларнинг янада ривож топиши учун янада бир ишончли кафолат устуни барпо этилди. Айни вақтида, давр тақозаси билан амалга оширилган ушбу янгиликнинг энг муҳим аҳамияти, у Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, инсон ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, гўзалроқ қилишга, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишга, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилганлигидадир.

Газетамиз мухбири мазкур қўмита раиси Саидов Акмал Холматовичга мурожаат қилиб янги, жаҳон ҳамжамияти давлатлари парламентлари тажрибасида илк бор барпо этилган қўмитанинг фаолияти ҳамда мақсадлари ҳақида гапириб беришни сўради.

— Аввалambor, шуни алоҳида уқтириб ўтиш жоизки, бугун биз XXI аср бўсағасида - жамиятимизнинг янгиланиши, буюк ўзгаришлар, қудратли тараққиёт давони олдида турибмиз.

Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, адолатли, демократик фуқаролик жамиятини қуриш асосларини яратиб берган Президент Ислом Каримов бугун илгари сураётган кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишни муваффақиятли амалга ошириш долзарб вазифамиздир.

Айни вақтда эътироф этиш керакки, парламентимиз таркибидаги энг катта янгилик - мамлакатимизда изчил кечаётган демократик жараёнларнинг натижаси бўлмиш мутлақо янги муҳим институт ва жаҳон бевосита демократиясидаги йўналиш - бу фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган ва сайланган депутатлардир.

(Давоми 2-бетда)

Блиц-интервью

«Тадбиркорликда гап кўп»

Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш» масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унга Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр ҲАМИДОВ раислик қилди.

Йиғилишда қатнашган «Чигатой оқ-тепа» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли, 1999 йилнинг республикадаги «Энг тадбиркор маҳалла оқсоқоли» унвони совриндори, «Карима» хусусий фирмаси директори Хайрулла МЎМИНОВни жажжи суҳбатга тортдик.

— Хайрулла ака, сизнинг маҳаллаларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширган тажрибаларингиз семинар қатнашчиларининг аксариятини, хусусан Бош вазир ўринбосарининг эътирофига ҳам сабаб бўлди. Шу лойиҳа ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Ўзим оқсоқоллик қилаётган «Чигатой оқ-тепа» маҳалласида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини кенг жорий этганмиз. Маълумки, ҳар бир маҳаллада ўзининг дурадгори, ўзининг новвойи бўлади. Гап уларнинг бошини қовуштириб, иш жойларини ташкил этиб беришда. Маҳалладошларимнинг ҳеч бири пичоқ чархлатаман, соч олдираман, телевизор созлатаман, деб узоқ ҳудудларга бориб юрмайди. Ҳамма турдаги маиший хизматлар маҳалламизнинг ўзида йўлга қўйилган. Қолаверса, «қўли гул» усталаримиз ҳам ижтимоий меҳнат билан банд бўламан, деб аллақайси корхоналарга бориб юришмайди, улар учун ўз гузарлари ўз корхоналаридир. Бундан ташқари маҳалламизда банк идорасини ҳам очганмиз. Ўтган йили маҳалладаги ана шу маиший хизмат ва ишлаб чиқариш жабҳасидан 6 миллион сўмлик даромад кўрилди. Маблағнинг йирик қисми маҳаллани ободонлаштиришга сарфланди. Хусусан бу пулга маҳалла учун замонавий пластмасса стол-стуллар, чинни идиш ва жиҳозлар харид қилинди, кўчаларимиз асфальтланди. Туй-маъракаларда ҳам шу маблағдан фойдаланиш анча қулайлик туғдираяпти. Маҳалла қошида «Меҳр-мурувват маркази»ни ташкил этганмизки, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий муҳофазага муҳтож маҳалладошларимиз айнан шу ерда қуллаб-қувватланади. Маҳаллалардаги ана шу ютуқларимиз туфайли ўтган йили республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ўтказилган «Энг тадбиркор оқсоқол» танловида биринчиликни олиш менга насиб этди, меҳнатимиз муносиб тақдирланди.

Мамлакатимизда боқимандалик, ихтиёрни давлат масъулиятига тамоман ташлаб қўйишлик кайфиятларини бартараф этиш мақсадида ўзини ўзи бошқариш идораларига кенг ваколатлар берилаётир. Фуқаролардан жамиятнинг пассив яшовчилари эмас, балки жамиятни ривожлантирувчи фаол иштирокчилари бўлиш талаб этилаётган бир вақтда «Чигатой оқ-тепа» маҳалласидаги тажриба кенг тарғиб қилиниши даркор, деб ўйлайман. Одамлардаги уйғонаётган янгича кайфиятдан ҳукуматимиз раҳбарлари ҳам мамнун бўлишлари табиий ҳол. Чунки маҳаллани ривожлантириш керак, бу ерда иш ҳам кўп, гап ҳам.

— Семинарда яна қандай масалалар кўтарилди ҳамда қайси муаммолар очиқлигича қолди, деб ўйлайсиз?

— Семинарда юртимиз тараққиётининг асосий қаноти ҳисобланмиш тадбиркорларни қизиқтирган энг долзарб масалалар кўтарилди ва атрофлича ҳал қилинди. Булар жумласига тадбиркорлик фаолиятини қийнаб келаётган кетма-кет текширувлар, аксарият ҳужжатларни расмийлаштиришдаги маъмуриятчилик, ишбилармонларга имтиёзли солиқ тўловларни жорий этиш, банк тизимини ислоҳ қилиш сингари масалалар киради. Кичик, ўрта ва хусусий корхоналарга лицензия бериш масаласи семинарда кўтарилмасдан қолди, чамамда. Ваҳоланки бу муаммони ҳам долзарб деб таърифласа бўлади. Лицензия корхоналарга фаолият юритиши учун 5 йилга, жилла қурса уч йилга берилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳозир эса шу шаполоқдек ҳужжатни олиш учун тадбиркор асосий фаолиятини четга суриб қўйиб, СЭС, ёнғинга қарши бошқарма, солиқ идораси ва бошқа муассасалар «эшигини тақиллатиш» билан ортиқча овора бўлиб қоляпти.

Уйлайманки, кечаги семинаримиз республика иқтисодиётини янада эркинлаштириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

ШУ СОНИНГ

2-САҲИФАСИДА

- ***Мустақил депутатлар блокининг шаклланиши ҳамда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг тузилиши - Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг чуқурлашиб бораётганлиги рамзидир.***
- *Томни тўл билан қоплаш, подъезд эшикларини созлаш, қувурларни таъмирлаш, маҳалла учун чўт эмас. Муҳими бошқа масалада.*
- ***«Мен болам дейман, болам боласини дейди». Ёш авлодга ғамхўрлик давлатимизнинг бош сиёсати, бутун миллат ҳаракатининг олий мақсади бўлиб қолгани ҳаммага аён.***
- *1943 йилда Эшон Бобохоннинг толе чироғи порлади. Ҳазрат мамлакатимиздаги энг мураккаб даврларда чорак аср мобайнида диний бошқармага раҳбарлик қилдилар.*

3-САҲИФАСИДА

- ***Муборак ислом динимиз таълимотларида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик ғояси илгари сурилган. Ал-Мотуридий таълимоти шунга ҳамоҳангдир.***
- *Алимент пули ўзганинг эмас, ўз болангизнинг ҳаққидир.*
- ***Маҳалла оқсоқоли Хайрулла Шарипов қўшнининг уйига участкавойсиз, якка ўзи кириб борди... Оқибатда ҳозир икки ёш бирга яшашаяпти.***
- *«Оқсоқол: машҳурми, моҳирми, манзурми, нозирми - у қандай бўлиши керак?» Мунозара давом этади.*

4-САҲИФАСИДА

- ***Ҳожатбарор техника воситалари вақтимизни, кучимизни, тажрибамизни тежайди. Соғлиғимизни-чи?..***
- *Бойлик йўқолди, байт қолди.*
- ***Амир Темур: Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар...***
- *Жамғарма ҳиммати билан боланинг кўзи очилса ажабмас.*

Иброҳим РАҲИМ

МАҲАЛЛАМСАН

Маҳалламсан, ақли боварсан,
Ҳар ишда тайёру борсан,
Етимпарвар, меҳрпарварсан,
Мададкорсан, маҳалламсан.

Жамиятда сен оқилсан,
Ғайрат-ла ҳозир-нозирсан,
Янгича ишлашга қодирсан,
Мустақилсан, маҳалламсан.

Ғўр, нодонликда арзанда,
Эрса беор ва шармандa,
Қилмаса ор ул зорманда,
Танобин торт, маҳалламсан.

Сенинг катта ҳуқуқинг бор,
Оқсоқоллар ардоғинг бор,
Сен - маҳаллий ҳокимият,
Мустақилсан, маҳалламсан.

Тоза, озодалик бурчинг,
Шоҳона тартиб - ҳуқуқинг,
Барчалар сенга тобедир,
Қаттиққўл бўл, маҳалламсан.

Сенга ул толе ёр бўлсин,
Хазинанг олтинга тўлсин,
Аҳолинг шод-хуррам бўлсин,
Саховатли маҳалламсан.

Буюк давлатни соғлом авлод қуради

- Мен, болам, дейман- болам ўзининг боласини дейди, деган нақл бор халқимизда.

Халқ донолигига ҳамиша тан бериб келганмиз. Бу сафар ҳам шундай қилишга мажбурмиз. Ҳа, бу нақлда жуда чуқур маъно борлигини ўйлаб қолдим. Инсоният пайдо бўлибдики, ўзидан кейин зурриёди, насли қолишига ғамхўрлик қилиб келади.

Мен болам, дейман — болам боласини дейди

Агар ота-онам менинг ғамимни ейишган бўлса, мен ҳам фарзандларим учун қайғураяпман, уларнинг келажаги, бахти, саломатлигини ўйлаяпман. Аминманки, барча фарзандларим ҳам меҳрларининг кўпини ўз гўдакларига, яъни менинг набираларимга бахшида этишаяпти. Қизиғи шундаки, биз ҳам ўғил-қизларимизнинг ёнига кириб, уларнинг фарзандларига жон дилдан қизғин ғамхўрлик қиламиз. Набираларимиз шамоллаб қолишса, ёки хатто уларга учиқ чиқса ҳам бутун борлиғимиз билан куйиб-пишамиз...

Аминманки, ҳамма оилаларда ҳам худди шундай муносабатни кузатиш мумкин. Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак - бу табиат қонуни эканини тушуниш қийин эмас. Ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамият, ҳар бир миллат ва элат ўзидан кейин шу мамлакат, шу жамият, шу миллат ва элатнинг аҳволи не кечишига бефарқ қарай олмайди. Хулоса шуки, ўз келажагига ғамхўрлик ҳар қандай жамиятнинг ўзидан кейин яшайдиган авлодга ғамхўрлигида намоён бўлади. Жамиятнинг инсонпарварлик даражаси ҳам айнан шундай муносабат билан ўлчанса керак.

Мустақиллик, Истиқлол халқимизга кўп неъматлар ичида энг муҳими бўлган ўз насли, зурриёдига ўзидан кейин ҳам шу юрт, шу Ватанни обод қиладиган, ўсиб келаётган ёш авлодларга ғамхўрлик қилиш, меҳр билан авайлаб, муносиб борисларни тайёрлаб етиштириш имконини ҳам берди. Гапни олисдан бошлаганимизнинг сабаби шундаки, қизил империя салтанатида бутун халқимиз билан бирга унинг жигарпораси бўлган норасидалар ҳам ўша социализм, коммунизмнинг манқурт роботлари этиб тарбияланишга маҳкум эдилар. Беадад шукрлар бўлсинки, бугунги ёш авлод озод ва эркин нафас олаётган, келажакка буюк ишонч билан қадам ташлаётган азамат халқнинг навқирон бўғинидир.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг илк одимлариданоқ биринчи навбатда болаларга, ёшларга алоҳида эътибор бериб келинаяпти. Юртимизда бахтли болаликни таъминлаш ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам бош вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатнинг дастлабки энг олий нишони «Соғлом авлод учун» деб ном олганида чуқур рамзий маъно борлиги шундан. Ижтимоий соҳалардаги ҳар бир Фармон, ҳукумат қарори энг аввало мана шу ёш авлодни жасур, мард, ватанпарвар, маърифатли фозил кишилар қилиб тарбиялаш масалалари диққат марказида туриши ҳам шундан.

(Давоми 2-бетда)



Бу сенга.

Бухоро

Соғлом авлод боғи

Бухоро шаҳридаги Сайфиддин Бохарзий ва Боёнқулихон мақбараси ёнида саккиз гектардан зиёд майдонни эгаллаган улкан боғ барпо этишга киришилди. Янги оромгоҳ «Соғлом авлод боғи» деб аталадиган бўлди. Боғни барпо этишда ўнлаб қурилиш ташкилотларининг 500 нафардан зиёд қурувчилари меҳнат қилмоқда.

Қашқадарё

Хайрия

«Экосан» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлимининг ташаббуси билан юқумли касалликларга қарши қўллаш учун 570 минг сўмлик дори-дармон келтирилиб, тиббиёт муассасаларига тарқатилди. Бу хайрия ёрдамидан биринчи навбатда кам таъминланган, муҳтож беморлар баҳраманд бўлди.

ЎзА мухбирлари.

Огоҳлик давр талаби

Уйғоқликка даъват

Кеча Ислом университетида иш бошлаган малака ошириш курси Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси Раёсатининг қарори асосида ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари малакасини ошириш, «Огоҳлик давр талаби» руҳида ўқитиш мақсадида ташкил этилган. Мазкур курсда дастлаб Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла оқсоқоллари, мазкур ҳудуддаги масжидларнинг имом хатибларидан иборат 60 кишилик тингловчи иштирок этишди.

Уч кун давом этиши кўзда тутилган бу анжуманнинг биринчи кунида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг диний қўмитаси раисининг муовини Ш. Минавароннинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун», Президент девони масъул ходими А. Ҳасановнинг «Ислом тарихи», Ислом университети проректори Раҳматулла қори Обидовнинг «Қуръон ва Ҳадиснинг моҳияти» мавзусидаги ҳам қизиқарли, ҳам маърифий маърузалари тингланди.

Бугун эса тингловчилар «Исломда экстремизм гуруҳларининг юзага келиши» (А.Ш.Жузжоний), «Эътиқод ва ақида» (Ф.Собиров), «Ислом ва диний экстремизм: ғоялар кураши» (З.Ҳусниддинов, О.Юсупов) каби долзарб мавзулардаги маърузаларни тинглашади.

Бундай маърузалар, маҳалла фаоллари ҳамда оқсоқоллари, масжидларнинг имом хатиблари билан бўладиган учрашувлар, суҳбатлар кишиларимизни виждон уйғоқлигига чақиради, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга кўнгил кўзи билан қарашга даъват қилади.

Темир ҚУРБОН,
«Mahalla» мухбири.

Самарқанд.

Ташкилий масала кўрилди

Самарқанд вилоят Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлимининг пленуми бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими ўринбосари Абди Маматов маҳалланинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва унда амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги сўзлар билан очди. Пленумда вилоятдаги барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, шаҳар, туман маҳалла кенгашининг раислари иштирок этдилар. Йиғилишда шунингдек, ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси вазифасида ишлаб келаётган Турсун Сафаров бошқа вазифага ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилди.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси этиб, Таънаберди Қурбонов сайланди.

Пленумда республика оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат Илҳомович Жалилов иштирок этди.

Ш.ҚАРШИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан руйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Таҳририят манзили:
Тошкент,
Навоий кўчаси, 18 «А»-уй ва Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 622, 635-хоналар.

Хатлар учун:
700011, Тошкент-11, а/қ 7168

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-57-62, масъул котиб 144-34-24 ижодий бўлимлар — 144-23-90,

Қабулхона — 144-23-34, 133-39-89.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Маҳалланинг Олий Мажлисда шаклланган яна бир суянчиғи, қонуний ҳимоячиси бор

Маҳалла - янги, адолатли, демократик жамият таянчи

(Боши 1-бетда).

Бу янги демократик институт нафақат республикамизда, балки бутун дунёда сайловлар тажрибасида намуна бўладиган Ўзбекистон ташаббуси сифатида жаҳон демократия дорилфунунини бойитувчи эътиборга лойиқ янгилик янглиғ эътироф этилди. Ушбу демократик институт яна бир бор халқимизни мамлакатимизда кечаётган демократик ўзгаришларга фидойилигини, унинг ўзгариб бораётган дунёқарашини, ўсиб бораётган сиёсий онгини кўрсатди. Шунингдек, у фуқаролар сиёсий фаоллигиннги ошишига туртки бўлди. Мустақил номзодларни кўрсатишда миллионлаб сайловчилар қатнашди-лар.

Биринчи марта мамлакатимиз Олий Мажлисида партиявийлик принципига асосланган ҳолда депутатликка сайланишдан ўзгача бўлган янги демократик институт - мустақил депутатлар блоки ҳамда «Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» қўмитаси тузилди. Бу том маънода давр талаби, табиий ҳодисадир. Сабаби равшанки, аҳолининг аксарият қисми сиёсий партияларга аъзо эмаслар. Бинобарин, қайси бир сиёсий партия қанчалик кучли бўлмасин, у жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини тўлиқ ифода этолмайди. Шундай вазиятда жамиятдаги мавжуд турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларига мос келадиган йўналиш сифатида бевосита фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг блоки тузилиши айни муддао бўлди. Зотан, ушбу блок кенг халқ оммасининг муносиб вакилларини бирлаштириш имконини берди.

Мустақил депутатлар блокининг шаклланиши ҳамда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг тузилиши, Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг чуқурлашиб бораётганлигининг рамзи, сиёсий ҳаётимизнинг эркинлашаётганига ёрқин мисолдир. Мустақил депу-татлар блоки депутатларга ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини ифода этиш ва ўз сиёсий ҳуқуқларини ҳар қандай партиядан ташқарида ҳам амалга ошириш имконини беради. Қўмита эса соҳага оид қонунларни меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириб бериш, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жаҳон андозалари асосида фаолият кўрсатишини таъминлашга янада кенг йўл очади.

Маълумки, маҳаллалар умумфуқаролик ҳаракатининг миллий демократик негизини ташкил этади. «Маҳалла нуфузини кўтариш нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу - сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир», деб таъкидлайдилар Юртбошимиз. Янги қўмита ушбу муҳим вазифадан келиб чиқиб, маҳаллаларнинг жойлардаги ташкилий-амалий фаолиятини қонуний ҳуқуқий кафолатини таъминлашга олиб бораётган ишлари сифатини, самарадорлигини оширишга эътиборни кучайтиради. Шуни эътироф этиш керакки, демократик институт бўлмиш маҳаллалар ниҳоятда қисқа давр мобайнида тикланиб, шаклланиб, нафақат Ўзбекистонда, хорижда ҳам эътироф этилди. Бу жамиятни бевосита халқ томонидан бошқарувга ўтишида муҳим тарихий қадам бўлди. Умуман олганда, ушбу демократик институт бевосита демократиянинг янги бир кўриниши сифатида жаҳон демократик амалиётига қўшилган салмоқли ҳиссадир. Унинг ҳаётимиздаги ўрнини, нуфузини, мунтазам ошира боришда янги тузилмаларимизнинг хизмати, масъулияти каттадир.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, фуқаролар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда Олий Мажлис қўмитасининг тузилиши - бу жаҳон парламентаризмининг илғор анъаналарига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан қўйиладиган барча халқаро андозаларга тўла жавоб беради. Уларнинг мақсадлари мухтасар қилиб айтсак, энг аввало, мустақил депутатларнинг асосий мақсади мамлакатимизда олиб борилаётган туб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш. Улар бирлашган блоклари орқали Юртбошимиз олға сурган «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» жараёнининг ҳуқуқий асосларини яратишликдир. Мамлакатимиз тараққиётининг узоққа мўлжалланган йўналишларидан бири бўлмиш, ҳокимият ваколатларини босқичма-босқич нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб беришнинг ҳуқуқий мезонларини яратиш ҳам асосий мақсадларимиздандир. Шунингдек, Парламентда ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган номзодлардан сайланган 16 нафар депутатнинг алоҳида блок сифатида шаклланиши Президентимиз томонидан илгари сурилган ўзбек миллий демократик давлат қурилиши сиёсатини ва юқорида айтганимиздек, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини эркинлаштиришни таъминлаш йўлида қўйилган янги ижобий қадамдир. Ўз навбатида ушбу институт давлат ҳокимиятини ва қабул қилинган қонунларни амалга оширишда бевосита халқ назоратини кучайтириш, демократик институтлар ва ноҳукумат ташкилотлар тизимини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилгандир.

Биз шуни яхши англаймизки, қонунлар, имкониятлар, аниқ дастуриламаллар, ислоҳот режалари ва ниҳоят Парламент даражасида фаолият кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ваколати бўлгани ҳолда кўзланган мақсадларга эришиш сиёсий ҳаётимизни тубдан ислоҳ қилиш табиийки, осонликча ўз-ўзидан кечмайди. Бунинг учун астойдил бор билимни, тажрибани ишга солиб, меҳнат қилишга тўғри келади. Шу билан бирга халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалайдиган нодавлат ижтимоий ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотларга кўпроқ ишонч билдиришимиз, мавжуд муаммо, масалаларни ҳал этишга ёрдам кўрсатишимиз, бу борадаги қонуний ҳужжатларни тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда такомиллаштира боришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

Р.РАҲМОНОВ.

Ҳаёт завқи

Муносабат: мақола изидан

Уйимизни маҳалла мулкдорлари таъмир қилмоқда

(«ЖЭКдан олинган ваколат ўзини оқлади» 28.01.7-8 сонлар)

Кўпқаватли уйда яшаётганимизга 30 йил бўлса-да, ўзимизни ҳақиқий замонавий иншоотларда истиқомат қилаётган фуқаролар сифатида ҳис қилганимизга бор-йўғи 2-3 ой бўлди.

Сабаби, бошпанамизни таъмирлаб бериш учун аллақандай маъмурий-буйруқбоз идораларга эмас, ўзимизга - маҳалла уй-жой мулкдорлари ширкатига мурожаат этадиган бўлдик.

«Mahalla» газетаси мухбири Н.Алимовнинг «ЖЭКдан олинган ваколат ўзини оқлади» сарлавҳали мақоласида С.Раҳимов туманидаги «Ғалаба» маҳалласининг бу борада амалга оширилаётган иш-тажрибалари атрофлича ёзилибди. Бизнинг қўшни «Обод» маҳалласида ҳам 27 та кўпқаватли уй ЖЭК ихтиёридан чиқиб коммунал хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олди. Қисқа вақт ичида анча-мунча таъмирлаш ишлари рўёбга чиқарилди. Мен ўзим 26-уйнинг уй бошиси сифатида янги тузилаётган ширкатларнинг одамлар онгида яхши таассурот қолдираётганига гувоҳ бўлмоқдаман.

26-уйда 40 та хонадон-эскичасига айтганда квартира мавжуд. Шуларнинг баъзиларида ё хонадон эгалари яшамайди ёхуд ижарадаги фуқаролар истиқомат қилишади. Уй бошиси сифатида ҳар бир хонадоннинг иссиқ-совуғи, яшаш шароити, кайфиятидан хабардор бўлиб тураман. Баъзида нохуш ҳолатлар, хусусан уруш-жанжал ёки кўча йўлкаларига ахлат тўкиб кетаётган уйдошларимни кўриб тартибга чақираман. Кўпида гапимга қулоқ тутишса, бошқа вақтлар тартибсизликни давом эттираверадиганлар бор. Ана шундай кезларда уй бошиларига аниқ ҳуқуқ ва ваколатлар берилмаганидан эзилиб кетаман. Мана, ҳозир коммунал хизмат кўрсатиш ўз зиммамизга ўтди. Маҳалладошларимизнинг уй тўловларидан тушган маблағнинг маълум фоизи ўз ихтиёри-мизда қолаяпти. Бу маблағлар яшаётган уйларимизни жорий ва капитал таъмирлаш учун сарфланади. Ўз маблағимиз айланиб келиб ўз коримизга ярайдиган бир пайтда уй тўловларини тўлашни пайсалга соладиган ёки «қочиб» юрадиган қўшнилар йўқ эмас. Ваҳоланки, Ширкат тузилгандан кейинги қисқа вақт ичида 26-уйимизнинг томи қисман таъмирдан чиқарилиб тўл ёпилди, сақичланди. Ҳозирги кунда батареялари ишдан чиқиб, уйи 2 йилдан буён иситилмайдиган 4 та хонадонда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун режалар тузиб қўйилди. Ваҳоланки, бу хонадон эгалари иситилмаган уйлари учун ҳам ЖЭКка маблағини тўлаб келган эдилар.

Янги тузилган Уй-жой мулкдорлари ширкатининг гарданида ҳали вазифалар кўп. Ертўла қувурларини бутунлай янгилаш керак, подъезд деворларидаги ёмғир сувидан оқиб тушган шувоқларни таъмирлаш лозим. Кўпгина подъездларда деразалар синиб ётибди, уларни янгилаш ҳам режамизда бор. Ишонаманки, 30 йиллар мобайнида бажарилмаган тадбирлар кундалик ҳаётимиздан ЖЭК деган идорани сиқиб чиқариб, Ширкат зиммасига ўтиши катта натижалар беради.

Маҳкам ПИРНАЗАРОВ, «Обод» маҳалласининг 26-уй бошиси, педагогика фанлари номзоди.

Республикамизда биринчи бўлиб пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Мирзо Улуғбек номли 230-ўрта мактаби «Янгиобод» маҳаллалараро спорт соғломлаштириш мажмуи ишга туширилди.

МАҲАЛЛА ҲАМ МАКТАБДАН МИННАТДОР

Бу эса, мактабни нафақат билим ва тарбия, қолаверса, ўқувчиларнинг жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув маскани директори Доно Эрматова «Туркистон-пресс» мухбирига айнан шу борадаги ютуқлар хусусида гапириб берди.

— Ўқувчиларнинг ҳар томонлама дунёқарашини ўстириш, шакллантириш ҳамда бўш вақтдан унумли фойдаланиши учун мактабда шеърият, заргарлик, тиқувчилик, кулолчилик, рассомчилик, спорт турлари каби ўнга яқин тўгараклар доимий фаолият кўрсатаётир. Шу мақсадда Бенков номидаги коллеж билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

- Ёшларнинг келажак ҳаётида тўгараклар олинган билимлар қандай аҳамият касб этади?

— Ўқувчиларни ўзи қолаверса, втаанимизга фойдали меҳнат қилишга, уларнинг ижодий изланиш, мустақил фикрлаш ҳамда онгли равишда меҳнат тарбиясига ўрганишида бу тўгаракларнинг аҳамияти муҳим. Мактабимиз шароитидан келиб чиқиб, тўгарақларда ёшларни келажакда қайси касб эгаллашини ҳисобга олиб машғулотлар олиб борилаётир.

— Спорт тўгарақларига катта эътибор қаратилаётганининг боиси нимада?

— Жисмоний соғлом киши руҳан соғлом фикрлай олади. Шуни ҳисобга олиб, айни чоғда мактабда катта ва кичик сузиш ҳавзаси, тренажёр, кикбоксинг, бокс, ушу, таэквондо, каратэ, футбол, баскетбол каби ўндан ортиқ спорт тўгараклари нафақат ўқувчилар шунингдек, мактаб яқинида жойлашган маҳаллалар учун ҳам манфаатли хизмат қилмоқда. Қолаверса, мактабимиздан жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган бокс, кикбоксинг бўйича халқаро спорт устаси Ботир Зокиров каби спортчилар етишиб чиққан. Ўзим ҳам сузиш билан мунтазам шуғулланиб тураман. Бошқа аёлларимиз ҳам сузиш билан шуғулланса, ҳеч қачон турли касалликларга чалинмасликларига кафолат бераман.

Ўктам БЕК, «Туркистон-пресс»

Мен болам, дейман — болам боласини дейди

(Боши 1-бетда).

Ёш авлодга ғамхўрлик давлатимизнинг бош сиёсати, бутун миллат ҳаракатининг олий мақсади бўлиб қолгани ҳаммага аён. 1997 йилдан бошлаб нишонлаб келинаётган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили» ва ниҳоят «Соғлом авлод йили»нинг негизида биринчи навбатда келгуси авлодларга бугунги гўдаклар, норасидалар, болаларга оталарча ғамхўрлик ётибди. Буларнинг ҳаммаси шўролар давридагидек, қизил шиорлар эмас, давлатнинг, халқнинг амалий фаолияти, ўзидан кейин озод ва обод мамлакатни қолдириш йўлидаги буюк иродасининг, орзу-интилишларининг олий ифодасидир.

Юртбошимизнинг ташаббуслари билан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган 2000 йил ҳам болаларга, ёшларга буюк ғамхўрликни намоён этувчи улкан ва серқирра тадбирларга бой бўлади. Бу йилнинг мазмун моҳиятини очиб берар экан Президентимиз шундай деган эдилар: «Биз фарзанларимиз онгига она юрт манфаати, халқ озодлиги, мамлакатимиз ободлиги, энг муқаддас қадрият эканлигини сингдира боришимиз, уларни комил инсонлар қилиб вояга етказишимиз, шу тариқа ватан келажаги ва тақдирини ишончли қўлларга топширишимиз даркор. Ватанимиз истиқболи фарзандларимизнинг қандай инсонлар бўлиб етишишига боғлиқ».

Ана шу мақсад йўлида Президент топшириғи билан ҳукумат пастдан юқоригача барча ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари, халқ хўжалиги ва маънавиятимизнинг барча тармоқларига мансуб меҳнат жамоалари ёш авлод тарбиясига бағишланган аниқ амалий тадбирлар ишлаб чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси республика ҳукумати томонидан чуқур ўрганилиб ягона дастур тайёрланди. Шу йилнинг 15 февралида «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисида» қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу йўлда бошланган катта ишнинг мантиқий хулосаси бўлди.

Қарорда мазкур дастурнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга нафақат давлат вазифаси, балки вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳар бир раҳбарнинг муҳим инсоний бурчи деб қаралиши зарурлиги таъкидланган.

Ушбу дастурни бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун республика комиссияси тузилди. Бу масалага жуда катта эътибор берилаётганининг яна бир далили шундан иборатки, Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси котибияти республика комиссиясининг ишчи органи қилиб белгиланди ҳамда «Соғлом авлод» жамғармасини унга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда зарур молиявий манбаалар билан тубдан мустаҳкамлаш ҳукуматга топширилди.

Қарорнинг бошқа бандларида жамиятимизнинг барча кучларини ёш авлод тарбиясини ҳар томонлама кучайтиришга сафарбар этиш ҳар бир давлат, жамоат ва меҳнат ташкилотининг бу масаладаги ўрни ва мавқеини белгилаш вазифалари «Соғлом авлод» дастурини сўзсиз бажариш омиллари аниқ кўрсатиб берилганки, бу ҳам унинг аҳамиятини оширади. Давлат ва бутун жамият миқёсида бажаришга киришилган ушбу дастур ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин гапнинг дангалига келсак, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва уни бажаришга қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарорининг қабул қилиниши тасодифий ҳол эмас. Уларнинг ҳаммаси республика Президенти ва ҳукуматининг ёш авлод тарбиясига кўрсатиб келаётган доимий эътиборининг мантиқий давомидир. «Соғлом авлод йили» шиори давлатимиз раҳбари бошчилигида олиб борилаётган буюк ва савобли ишларида жамиятимизнинг барча соғлом кучлари ҳар бир тармоқ, ҳар бир меҳнат жамоаси ходимларининг, ҳар бир раҳбарнинг амалий иштирокини кучайтириш, унинг аҳамиятида кенг жамоатчилигимиз эътиборини тортишдир. Юртбошимиз айтган қуйидаги гаплар шу даъвомизни ғоят аниқлик билан ифодалайдики, шарҳимизга шу билан нуқта қўйиш ғоят ўринли бўларди:

- 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз даркор.

Саид ВАЛИЙ.

Янги китоб: тақдимот

Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон

Чор мустамлакачилари ислом дини намояндаларини - эшонлар, уламолар, руҳонийларни ёмон кўрган. Чунки бу кишилар ислом динининг тарғиботчилари саналарди. Провард мақсади халқни маънавиятидан - динидан, миллий қадриятларидан маҳрум қилиб, руслаштиришдан иборат бўлган мустамлакачилар эса бундай кишилар билан муроса қила олмасдилар.

Чор мустамлакачиларининг бу одати 1917 йил октябрда Санкт-Петербургда бўлган давлат тўнтаришдан сўнг ҳокимият тепасига келган Ленин бошлиқ большевикларга ҳам мерос қолди. Большевиклар нафақат ислом динига, балки ҳамма динларга қарши эдилар. Улар бу дунё Аллоҳ томонидан яратилганига, тақдири азалга, инсоннинг иккинчи ҳаёти ҳам борлигига ишонмасдилар. Шу боисдан диндорларни ўзларининг биринчи душманлари деб билдилар, уларни тап тортмай таъқиб қилдилар, қамадилар, Сибирга сургун қилдилар, отиб ташладилар.

Бу қирғин баротдан фақат айрим омади чопган, ўзини вақтида «чеккага олишга», ижтимоий келиб чиқишини яширишга улгурган диндорларгина омон қолдилар. Шундайлардан бири асли зоти тошкентлик бўлган, мамлакатда фашистлар Германиясига қарши уруш кетаётганида Тошкент яқинидаги Тузел қишлоғида оиласи билан деҳқончилик қилиб кун кечирган Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон эди.

1943 йилда Эшон Бобохоннинг толе чироғи порлади. Шўро ҳукумати Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқар-масини ташкил этишни режалаштириб, унга раҳбарлик қилиш учун шу кишининг номзодини танлади. Диндорларнинг қиронини келтирган, юзлаб масжидларни буздирган, кўпгина ажойиб диний обидаларни қаровсиз ҳолда қолдирган шўро ҳукуматига нега мамлакатда қизғин уруш кетаётган бир шароитда динга эътибор бериш зарур бўлиб қолди? Чунки шўро ҳукумати унга мажбур бўлган эди. Буни ундан гитлерчиларга қарши каолицияга кирган ғарб давлатлари ва уларнинг жамоатчилиги талаб этган эди. Бу зулматдан зиё эди. Ундан билиб фойдаланиш, КГБ деган машъум ташкилот ҳуфяларининг доимий назоратида бўлган масжидларда имон-эътиқодни тарғиб қилиш, ўлкада умуман тўхтатиб қўйилган диний ишларни давлатдан бир сўм ҳам маблағ олмаган ҳолда қайта жонлантириш учун бу ишга раҳбарлик қилган кишилардан диний билимдан ташқари, ўткир фаҳм-фаросат, эҳтиёткорлик, зийраклик ҳамда катта ташкилотчилик қобилияти талаб этиларди. Эшон Бобохон ва унинг ўғли, дастлаб Диний бошқарма раиси муовини, кейинроқ Бошқарма раислигига сайланиб, чорак аср узлуксиз шу лавозимда ишлаган марҳум устозимиз муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохонда бу фазилатлар етарлича бор эди. Айнан шундай инсоний сифатлар эгаси бўлганлиги учун ҳам тез орада нафақат Ўрта Осиё, балки бутун дунёга таниқли дин ва жамоат арбобига айланди.

Муфтий Зиёвуддинхон ўз ҳаёти мобайнида фақат ўлкамиздаги мусулмонлар манфаати йўлида эмас, балки бутун инсониятга хизмат қилди дейиш мумкин. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ташкил этилгандан сўнг ўз оталари Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон билан диний ишларни ривожлантириш йўлида улкан ишларни амалга оширди. Унинг раҳбарлиги остида Муқаддас Қуръон, Пайғамбаримизнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий» ва «Ал-Адаб ал-Муфрад» китобларига жамланган ҳадислари бир неча марта чоп этилган. Унинг ташаббуси билан «Ўзбекистон мусулмонлари» журнали бир неча тилларда нашр этила бошлаган. Юксак малакали диний кадрлар тайёрлаш мақсадида Бухоро ва Тошкент шаҳарларида иккита ўқув юрти, минтақада ўнлаб янги масжидлар ташкил этилган.

Бугунги кунда нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиё ва Қозоғистонда, Кавказортидаги асосий масжидларда имом хатиблик қилаётган, диний идораларда фаолият кўрсатаётган дин тарғиботчиларининг аксарияти муфтий Зиёвуддинхонни яхши биладиган, у ташкил этган диний мактабларда ўқиб мулла бўлган, уни ўзининг устози санайдиган кишилардир.

Яқинда Тошкентдаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётида рус тилида нашр этилган «Муфтий Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон : ҳаёти ва фаолияти» китоби (муаллифи Шамсиддин Бобохонов) билан танишганимда каминанинг хаёлига мана шу фикрлар келди. «Шарқ» матбаа-нашриёт концернида миллий нақшлар билан безатилиб нашр этилган, кўплаб расмлари ҳам бўлган бу китоб муфтий Зиёвуддинхоннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кишига яхши таассурот беради.

Республикамиз жамоатчилиги бундан икки йил муқаддам улкан салоҳиятли аллома тавалludининг 90 йиллигини нишонлаган эди. Китобнинг нашр этилиши устознинг хотирасини абадийлаштириш ва илмий меросини ўрганиш йўлидаги иккинчи хайрли иш, республика маданий ҳаётидаги муҳим воқеа деб баҳолаш мумкин.

Китоб уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида муфтий Зиёвуддинхоннинг болалик ва ёшлик йиллари, илм олиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармасининг ташкил этилиши, идоранинг дастлабки ишлари, муфтийнинг минтақамизда диний ишларни ривожлантириш, дунёда тинчликни ва дўстликни, диний ташкилотларнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича фаолияти ўз баёнини топган.

Иккинчи қисмда муфтий Зиёвуддинхон эълон қилган фатволар ва у кишининг хутбаларидан, учинчи қисми муфтий ҳақидаги хотиралар ва ул зот турли анжуманларда сўзлаган нутқларидан иборат. Китобни ўқиганда Қуръон тафсири ва Пайғамбаримиз ҳадисларини чуқур билган улуғ уламо, жамоат арбоби, тинчлик ва адолат учун толмас курашчи, нотиқ сиймоси киши кўз ўнгида намоён бўлади.



Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон ислом ақидаларидан келиб чиққан ҳолда бир умр мусулмонларни оқилона турмуш кечиришга даъват этиб келган, миллий ва диний маросимларни ўтказишда дабдабабозлик, шуҳратпарастлик, исроф-гарчиликка, диний ишларда эса хурофотга, экстремизмга, айирмачиликка қарши бўлган доно инсон эди.

Устоз умр бўйи динни ниқоб қилиб ўз манфаатларини кўзлаб иш тутган нопок кишиларга қарши курашганлар. Бунга китобдан ўрин олган, у ўз даврида эълон қилинган ва ҳозир ҳам долзарблигини йўқотмаган «Махр ва қалин тўғрисида», «Мотам маросимлари тўғрисида», «Хатна муносабати билан ўтказиладиган базмларнинг хурофийлиги тўғрисида»ги фатволарни ўқиб тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг халқаро нуфузи бевосита муфтий Зиёвуддинхон номи билан боғлиқдир. У муфтийлик лавозимида ишлаган йиллари Диний бошқарма дунёдаги кўпгина диний ташкилотлар, биринчи навбатда араб мамлакатларидаги диний ташкилотлар, ўқув муассасалари билан ўзаро алоқаларни, тажриба алмашинувини йўлга қўйди. Бундан ташқари бу киши юксак лавозимда ишлаган йиллари замонанинг бир қатор долзарб масалалари бўйича минтақавий ва халқаро диний конференциялар ташаббускори бўлди. Шулардан масалан: 1973 ва 1976 йилда бўлган Тошкент конференцияларини, 1974 йилда Самарқандда бўлган Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган конференцияни; хижрий XV аср бошланганлиги байрам қилиниши муносабати билан Душанбе ва Тошкентда бўлган икки конференцияни айтиб ўтиш мумкин. Муфтий Зиёвуддинхон яна диндорларнинг халқлар ўртасида адолатли муносабатларни йўлга қўйиш, тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга бағишланган, ядро қуролини тарқатишга қарши курашга бағишланган бир қатор анжуманларда қатнашган ва асосий маърузачилардан бўлган эди. Китобда устознинг бу борадаги фаолияти ҳам батафсил баён этилган.

Муфтий Зиёвуддинхон сўзи билан иши бир инсон эди. Ундаги чуқур билим, фикрий миқёснинг кенглиги, нотиқлиги, муомила маданияти биз шогирдларининг ҳавасини келтирарди. У диндаги айирмачиликка динни дастак қилиб олиб, миллий низолар келтириб чиқаришга, экстремизмга тиш-тирноғи билан қарши эди. Бунга муфтийнинг китобидан ўрин олган, турли халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларини, дўстлари, шогирдларининг у ҳақидаги хотираларини ўқиб ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кавказорти мусулмонлари Диний бошқармаси раиси, шайхулислом А.Пошозода китобдан ўрин олган «Устозим» номли хотирасида шундай ёзади: «Муфтий Зиёвуддинхон билан Тошкент Ислом институтини тугаллаган биланоқ бўлган суҳбатни ҳеч унутмайман. Ўшанда у уйимга қайтаётганимда оталарча ҳаяжон билан менга оқ йўл тилаган эди. Унинг шундай савол берганини эслайман. «Сени Озарбайжонда қандай қабул қилишар экан-а, ахир у ерда Сизларнинг юртингизда суннийлар ҳам, шиалар ҳам яшайди-ку?». Мен буюк Оллоҳим ва ўқув йиллари олган билимим ёрдамида ўз сўзим қувватини синаб кўришга тайёрман, дедим. Ўшанда у шундай деди: «Одамларни ягона исломга даъват этгин. Чунки ўз ғоясини бошқаларга ёпиштиришга интилиш нотўғри йўл. Сенга турли одамлар билан ишлашга тўғри келади».

Ҳақиқатда кўп меҳнат қилишга тўғри келди, Озарбайжон, Арманистон, Грузияда кўпгина масжидларда сўзлашга тўғри келди. Ҳар икки йўналиш вакиллари билан баҳслашишга, исботлашга, асослашга, ихтибос келтиришга, шахсий алоқаларни йўлга қўйишга, кенгашлар ўтказишга тўғри келди.

Йиллар ўтди, устозим орзуси амалга ошди. Закавказияда шиалар ва суннийлар вакиллари бир масжидда, бир имом раҳбарлигида ибодат қиладилар. Исломнинг икки йўналиши ўртасидаги муфтий Зиёвуддинхоннинг чуқур ишончига, ягона динимизнинг асосларига дахли бўлмаган турлича қарашлар бартараф этилди».

Дарҳақиқат, устозимиз муфтий Зиёвуддинхоннинг ўз даврида исломдаги турлича оқимларни муросага келтириш дунёдаги турли диний ташкилотлар фаолиятини умуминсоний мақсадларга хизмат қилдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари дунёда диний экстремизм ва террорчилик авж олаётган айрим қора гуруҳлар динни ниқоб қилиб олиб, сиёсий бузғунчилик йўлини тутаётган шароитда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бундай кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти илмий меросини тарғиб қилиш долзарб сиёсий вазифа саналади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин юртимизда Юртбошимиз раҳнамолигида иймон-эътиқодга кенг эрк берилди. Янги таҳрирдаги «Эътиқод эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Шу асос диний қадриятларга эътибор кучайди. Республикамизда юзлаб масжидлар қурилди. Мусулмонларнинг ҳажга бориши учун қулайликлар яратилди. Диний кадрлар тайёрлашга эътибор кучайди. Ийди рамазон ва Қурбон ҳайитни умумхалқ байрами деб эълон қилиш тўғрисида ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов махсус фармон чиқардилар. Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд сингари ислом динини тарғиб қилиш йўлидаги хизматлари билан дунёга танилган буюк ватандошларимиз дафн этилган жойлар ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга айлантирилди.

Улуғ устозимиз шундай ажойиб кунларни кўришни орзу қилиб яшаганди. Лекин у бу кунларга етиб келолмади. Унинг орзулари ушалганини кўриш биз шогирдларга насиб этди.

Муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон халқимизнинг фожеаларга бой бўлган XX асрда яшаб, ижод этган, миллатга хизмат қилишнинг намунасини кўрсатган Мунаввар қори Абдурашидхонов, муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий, Алихонтўра Соғуний каби буюк фарзандлари билан бир қаторда турадиган инсонлардандир. Устознинг бахти шундаки, у яшаган даврда тарихан бошқачароқ вазият юзага келган. Комфирқа, даҳрийлик сиёсатининг «дами» ташқи омиллар таъсирида бироз қайтиб динга муносабатда «юмшаш» аломатлари пайдо бўлган эди. У бу вазиятдан усталик билан фойдаланди ва ўлкамизда диний ишларни ривожлантириш йўлида қўлидан келган хизматни қилди.

Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон ҳақидаги китоб бугунги кун учун зарур, ўз вақтида нашр этилган китоб. Бундан буён муфтий Зиёвуддинхон ҳақида хотира ёзган муаллифлар доирасини ҳам кенгайтириш мумкин. Сабаби, республикамизда ва ундан ташқарида бу кишини билган ва ҳурмат қиладиган кишилар анча.

Муфтий Зиёвуддинхон ҳақидаги китоб рус тилида чоп этилган. Бу китоб ўзбек ўқувчиси учун ҳам қимматлидир. Шунинг учун уни тўлдириб, янада ўқишли қилган ҳолда, қайта ишлаб ўзбек тилида қайта нашр этилса, айни муддао бўлур эди.

Фозил қори СОБИРОВ, исломшунос.

Ҳурматли «Mahalla» таҳририяти!

Маълумки, юртимиздан чиққан аллома Абу Мансур ал-Мотуридийнинг юбилей тантаналарини ўтказиш ҳақида Президентимиз Фармони эълон қилингандан сўнг биринчилардан бўлиб, «Mahalla» газетасида У.Уватовнинг бу аллома ҳақида маълумот берувчи мақоласини ўқидик. Лекин ал-Мотуридий ҳақида газетхонларимиз ҳали кўп нарса билишмайди. Шу боис алломанинг илмий мероси ҳақида мақолалар давомий тарзда бериб борилишини истардик.

А.БОЙМУРОДОВ,
Қашқадарё.

Тарих - хазина

Каломи илм соҳиби

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ёзган тарихчилар, минг афсуски, ўз асарларида унинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотларни келтирганлар. Имом ал-Мотуридий илгари сурган калом илмини кузатар эканмиз, у асосан иккита асосий манбага: ақл ва нақлга таяниб иш тутганини, агар фикримизни аниқроқ айтадиган бўлсак, у ўз назариясини мана шу икки манба ўрталигида (арабча тавассут) яратган. Бинобарин муборак ислом динимиз таълимотларида ҳам диний, ҳам дунёвий ишларда ўртача бўлишлик ғояси илгари сурилган. Бу ўринда Қуръони Каримнинг «Бақара» сураси 143-оятидаги «Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби сизларни ўрта (адолатли) бир миллат қилдик», деган ибораларни келтириш ўринлидир. Бундан халқ ўртасида кенг тарқалган «Хайру ул-умур авсотуҳо» («Ҳар бир ишнинг ўртачаси яхшидур») деган азалий ҳикмат ҳам бежиз айтилмаганлиги аён бўлади.

Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом илмидаги бу ғоялари унинг бизгача етиб келган икки йирик асарида «Китоб ат-Тавҳийд» ва «Китоб таъвилот аҳл ас-сунна» (бу асар «Таъвилот ал-Қуръон» деб ҳам юритилади) батафсил баён қилинган. Умуман олганда тарихий манбаларда зикр қилинишича, имом ал-Мотуридийнинг қаламига мансуб асарларнинг сони ўн бештага етади. Аллома асарларининг номлари ҳам уларнинг мазмун моҳиятини ифода этади. Масалан, «Китоб радд аъло-л-қаромита», «Китоб баён ваҳм ал-муътазила», «Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий», «Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Каъбий», «Китоб радд ал-имомат ли баъз равофиз» ва бошқа асарларни кўрсатиш мумкин. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридий ўз рақиблари билан мунозара қилиб уларга раддия берганда ҳар доим исломий одоб-ахлоққа оғишмай риоя қилган.

Тавассут (ўртасида бўлиш) ғояларини амалга ошириш учун ақл аҳкомларини ҳам, нақл аҳкомларини ҳам мукаммал билишлик талаб қилинган. Имом ал-Мотуридий таълимотлари мана шу талабларга тўлиқ жавоб берган, у ақл ва нақлга асосланган ўз қарашларини ғоятда адолат юзасидан баён қилган. Ўзи илгари сурган ғояларга мана шу мезондан ёндошиб, фикрий (ғоявий) мустақилликка ҳам алоҳида эътибор берган, қандайдир бирор тоифа ёки оқимга оғиб кетиш ёки оз бўлса-да, мутаассиблик изҳор қилиш каби иллатлардан узоқ бўлган.

Билиш (маърифат) назарияси калом илми билан шуғулланган олимларнинг ҳар доим ҳам диққат эътиборида бўлган. Лекин шу билан бирга алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала билан илмий асосда жиддий шуғулланганлардан бири Абу Мансур ал-Мотуридийдир. Унинг қаламига мансуб иккала йирик асар - «Китоб ат-тавҳийд» ва «Таъвилот аҳли ас-сунна»да ҳам дастлабки қисмлариданоқ билиш назариясига бағишланган. Айниқса буюк алломанинг «Китоб ат-тавҳийд» асари калом илмидаги билиш назариясига бағишланган энг дастлабки манба бўлиб, муаллиф ушбу масалани ғоятда нафис услубда ифода этади. Имом ал-Мотуридий таълимотига кўра билишнинг учта асосий манбаи бор: ҳиссий (сезги) аъзолар воситасида, нақл-ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида. Мавриди келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, имом ал-Мотуридийнинг билиш назариясида ақл-идрокнинг алоҳида ўрни бор.

Имом ал-Мотуридий ҳанафия мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа ҳазратлари асослаган назарияга таянган ҳолда барча амалларни-меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар, фаолиятларни Оллоҳ яратади, лекин уларга муносабатни инсон ўз инон-ихтиёри билан амалга оширишлигига ишорат қилади. Мана шу жараёнда инсоният учун имом ал-Мотуридийнинг «афъоли ихтиёрий» бўлишлиги, яъни «инсонда ирода эркинлиги мавжуд» деган фикри ғоятда долзарб аҳамият касб этади. Бу талқин гарчанд барча ишлар Оллоҳ-Таоло томонидан муқаддар (тақдир) этилган бўлса-да, лекин инсоннинг баъзи ишларига соҳиби ихтиёрликни ҳам бергандир. Буюк аллома бундан қарийб ўн икки аср муқаддам илгари сурган бу тарздаги илғор ғоялар бир томондан инсоннинг ўз хатти-ҳаракатлари олдида масъуллиги ва эътиқодий жавобгарлигини оширса, иккинчи томондан инсон тафаккури, унинг ақл-идроки ва салоҳиятининг имкониятлари чексиз эканлигини кўрсатади.

Убайдулла УВАТОВ,
Халқаро «Олтин Мерос» хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари.

Таҳририятдан: Фаол муаллифимиз У. Уватов ушбу кунда 60 ёшни қаршилади. Муштарийлар номидан муборакбод этамиз.

Ресторанда бепул таом

Лондонда балиқхўрлик учун янги ресторан қурилаётган пайтда газеталарда бир эълон босилди.

Унда ёзилишича, кимнингки исми-шарифи балиқларнинг номида бўлса, ўша киши ресторан ишга туширилган куни бепул овқатланади.

Ресторан соҳиби ваъдасини бажарадиганлар хилидан экан. Ўша куни 60 га яқин киши бепул овқатланди. Уларнинг фамилия ёки исми ҳақиқатан ҳам балиқларнинг номи билан аталарди. Масалан, Жаноб Лаққа, Селёдка хоним, жаноб Треска, жаноб Чўртан ва бошқалар.

Хўрандалар ҳайдаб чиқарилди

Глазго шаҳридаги ресторанлардан бирининг эгаси хўрандаларни кўпроқ йиғиш мақсадида қуйидаги эълонни осиб қўйди:

«Бугундан бошлаб ресторандан охирги бўлиб чиқиб кетган кишига эртаси куни бепул хизмат қилинади». Эълондан сўнг ресторан хўрандалар билан шунақанги тўлиб кетдики, ресторан иш вақти тугагач, уларни фақат ҳайдаб чиқаришга тўғри келди.

Тадбиркор хўжайин

Токио шаҳридаги ресторанлардан бири ҳам эшиги тепасига барча хоҳловчиларни текинга овқатлантириш ҳақида эълон осиб қўйди.

Бироқ унинг бир шарти бор эди: хўранда бир тарелка суюқ овқатни, 747 граммли котлетни, салат ҳамда битта батон нонни 40 дақиқада паққос тушириши шарт эди. Мабодо у шу дақиқада овқатланиб улгурмаса, унда овқатнинг нархини икки ҳисса қилиб тўлайди. Текинга овқатланиш истагида бу ғаройиб мусобақада қатнашган маҳаллий 102 талабгордан атиги 18 киши бепул овқатланган бўлса, қолганлари овқат нархини икки ҳисса қилиб тўлашади.

Тушида ер қимирлаган эди

Уйқуда ким ёмон туш кўрмайди, дейсиз. Ҳамма кўради. Мана тимитораллик 29 ёшли П.Боднар ҳам даҳшатлисини кўрди, яъни тушида ер жуда қаттиқ қимирлаётган эмиш.

Ҳаммаёқ остин-устун бўлаётган, ҳатто у яшаётган кўп қаватли уй ҳам қулаётган эди. Шу пайт тушидан қаттиқ қўрқиб кетган Боднар шартта ўрнидан турди-да, дераза-дан пастга сакради. Хайриятки, у иккинчи қаватда яшайди, омон қолди. Акс ҳолда...

Тасодифий яратилган кашфиётлар

Француз физиги А.Беккерель қора қоғозга ўралган бир даста фотопластинкани шкафга қўйиб кетади.

Уша шкафда бир ҳовуч уран тузи ҳам бор экан, пластинкалар нурланиш таъсирида қуяди. Шу тариқа 1896 йилда уран тузларининг ўзидан кўзга кўринмас нур чиқариш ҳодисаси, яъни радиактивлик кашф этилади.

***

1903 йилда яна бир француз химиги Бенедиктус қўлидаги шиша колбани тасодифан тушуриб юборади.

Колба синмайди. Ҳайрон бўлган олим текшириб кўрса, колба ичи коллодий эритмасининг юпқа пардаси билан қопланган экан. Синмайдиган шиша яратиш ғояси ана шундай дунёга келган.

***

Рус химиги К.Фольберг шошилганиданми, ишлаб бўлиб қўлини ювмай овқатланар экан, қўли теккан нарсанинг таъми ширин бўлиб қолаётганини пайқайди.

Лабораторияга қайтгач, чиқинди сифатида бир идишга тўкилган модданинг таркибини текшириб кўради. Шундай қилиб 1876 йилда қанддан 500 марта ширинроқ сахарин кашф қилинади.

Холхўжа МИРЗАЕВ тўплади.

Мулоҳаза – фикрни тиниқлаштиради

«Оқсоқол - у қандай одам бўлиши керак?»

(«Mahalla», 13-14 сон)

1. Оқсоқол-пенсионер бўлиши шартми? (Бу ўринда оқсоқол сифатида фаолият кўрсатувчиларга пенсияларининг тўлиқ берилиши имтиёзли ҳам аҳамият касб этаяпти?)

2. Оқсоқолнинг оқсоқоллик фаолиятини бошқа бир фаолиятни бажарган ҳолда яъни бошқа ишдан бўш пайтида олиб боришига қандай қарайсиз?

3. Оқсоқол қайси касб кишиси бўлгани маъқул?

4. Унинг маълумоти аҳамият касб этадими?

5. Оқсоқол ёшининг аҳамияти қандай?

6. Оқсоқолнинг давлат идоралари билан ва аҳоли билан муносабатида қандай тавсиялар айта оласиз?

7. Оқсоқолнинг халқ орасида таниқлилиги, машҳурлиги ёки аксинчалигига қандай қарайсиз?

8. Унинг эркак ёки аёл бўлишининг аҳамияти борми?

9. Сиз ўз оқсоқолингиз фаолиятини қандай баҳолайсиз?

10. Қишлоқ маҳалласи муаммолари ҳақида фикрларингиз қандай?

Самарқанд

Газетанинг аввалги сонида чоп этилган «Оқсоқол, у қандай одам бўлиши керак?» мавзуидаги баҳс-мунозарага чорловчи рукн самарқандлик бир қатор фуқаролар ва оқсоқолларни қизиқтириб, улар ўй-фикрида мулоҳазалар уйғотди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас - чунки мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига беқиёс ваколатлар берилаётган бир вақтда бу ташкилотлар раҳбарларининг шахси кўп нарсани ҳал қилиши мумкинлигини унутмаслик керак. Маҳалла оқсоқоли нафақа ёшидаги «бекорчи одам» бўлиши керакми ёки ҳаёти қизғин ижтимоий фаолият билан боғлиқ бўлиши дурустми, деган мулоҳазалар аксарият фуқароларимизни қизиқтиради.

Аҳмаджон ЭЛМУРОДОВ,
Нарпай туман маҳалла оқсоқоллари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси:

— Оқсоқол албатта пенсионер бўлиши кераклиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар йўқ. Шундай экан, қарияларимизнинг ҳурматига путур етказмаган ҳолда айтмоқчиманки, **маҳалла раислигига сайланган шахс ёши улуғ бўлиши шарт эмас.** Очиғи, аксарият вақтларда пенсия ёшидаги оқсоқолга бу лавозим оғирлик қилиб қолмоқда. Ваҳоланки, ўзини ўзи бошқариш идораларига берилаётган бугунги эътибор тер тўкиб ишлашни талаб қилаётир.

Лекин маҳалла оқсоқоллигига сайланган ўрта ёшли шахс ҳам асосий иш-фаолиятидан бўш қолган вақтини маҳалла ва маҳалладошлар корига сарфлай оладиган инсон бўлиши лозим. Баъзи ўрта ёшдаги маҳалладошлардан оқсоқолликка сайланган шахслар жамоатчилик ишига иккинчи, баъзида учинчи ўриндаги вазифага қарагандек муносабатда бўлишади. Маҳалла оқсоқоллигига мен кўпроқ эркак кишилар сайлангани маъқулроқ деб ўйлайман.

Муртазо МУСУРМОНОВ, Каттақўрғон туман «Ёнбошсой» маҳалла раиси:

— Маҳалла оқсоқоллигига сайланган шахс аввалambор ҳаётий тажрибага бой, давлат ва бошқа жамоат идоралари ходимлари билан мунозара ва муроса қила оладиган жонкуяр инсон бўлиши лозим.

Жамиятимизда эркак ва аёллар тенг ҳуқуқли. Шундай экан, **оқсоқоллик масъулиятини уддалай олса бу вазифани аёл кишиларга ҳам ишониб топшириш мумкин.**

Моҳира СУЛТОНОВА,
Самарқанд ша-ҳар «Беш чинор» маҳалласи фуқароси:

— Касбим ҳамширалик. Касбим кишилардан алоҳида эътиборлик, масъулиятни талаб қилгани учун оқсоқоллик «мансаби»га ҳам бу хусусиятлар сувдек зарурлигини таъкидламоқчиман.

Бугунги кун маҳалла сардорлари ҳар ҳолда ишбилармон, тадбиркор ёшлардан бўлгани маъқул. Чунки давлат идораларига боқиманда бўлиб ўтирадиган замон эмас ҳозир. Шундай экан, маҳалла фаолиятини жонлантириш, бу ҳудудларда ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларни йўлга қўйиш учун журъатли ёшлар кўпроқ бўлиши лозим. Кўпни кўрган қарияларимиз эса раиснинг маслаҳатчилари бўлиб ишлашлари мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари **оқсоқол намунали оиланинг соҳиби бўлгани ҳам маъқул.**

Икром ЭРГАШЕВ,
Қўшработ тумани фуқароси:

- «Тоз» маҳалламизнинг оқсоқоли 40-ёшлардаги маҳалладошимиз бўлади. Оқсоқолимизнинг асл касби муаллимлик. Уни бу лавозимга сайлаганимиздан кейин мактабдаги ишини тўхтатди. Касб бўйича иш стажим куяди деб ҳам ўтирмади. Ёш бўлишига қарамай, маҳалла дардини яхши тушунади, муаммоларни ҳал этишнинг осон йўлларини пухта эгаллаганлиги учун оқсоқолимиздан маҳалламизнинг ёшу қариси хурсанд. Шуларни ўйлаб туриб, **оқсоқолликка маърифатли, инсофли кишилар сайлангани маъқулмикин, деб ўйлайман.**

Шуҳрат ҚАРШИЕВ
фикр-мулоҳазаларни оққа кўчирди.

Чориёр АЛЛАЁРОВ,
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғи

Алимент - болангизнинг ҳақи

Ўтган 1999 йилда вилоят адлия бошқармасига фуқаролардан 276 та ариза, шикоят келиб тушди. Шу аризаларнинг асосий қисми, яъни 150 таси алиментлар ўз вақтида ундириб берилмаётганлиги билан боғлиқ эди.

Нега шундай бўлаяпти деган савол билан қизиқдик. Маълум бўлдики, бир томондан туман, шаҳар судлари ижрочилари, иккинчи томондан эса жавобгар ишлаётган корхона, ташкилот бош ҳисобчилари, раҳбарлари сағирларнинг ҳақини ўз вақтида ундириб беришга лоқайд қарашаётган экан. Масалан, Сариосиё туманидаги Олмазор маҳалласида истиқомат қилувчи Малика Исмоилова узоқ вақтдан буён алимент олмаётганлиги ҳақида шикоят қилган эди. Текшириб аниқлашимизча, Қизириқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги пахта қабул қилиш корхонасида ишлаб келаётган жавобгар Йўлдош Раззоқовдан алимент ундириш тўғрисида ижро варақаси туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига юборилган бўлишига қарамасдан, даъвогар 1997,1998 йиллар учун алимент олмаган. Бунга жамият бош ҳисобчиси А.Шафоатов, раиси Э.Усмоновларнинг совуққонлиги сабаб эканлиги маълум бўлди. Бизнинг бевосита аралашувимиз билан икки йил учун 46 минг 850 сўм алимент пули даъвогар Малика Исмоиловага ундириб берилди.

«Комсомолобод» пахта тозалаш корхонасида ишлаб келаётган Р.Остонақулов ҳам 1998 йил мобайнида фарзандларига алимент пули тўламаган экан. Бу ҳақда даъвогар - Ангор туманидаги «Таллимарон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ойсара Ҳайдарова бошқармамизга ариза билан мурожаат қилди. Ариза ўрганиб кўрилди. 15 минг 610 сўм алимент пули бош ҳисобчи А.Шерназаров ва ҳисобчи Ф.Холиёровларнинг айби билан ўз вақтида юборилмай турган экан. Алимент пули ариза муаллифи О.Ҳайдаровага ундириб берилди.

...Балки адашдилар, балки хато қилдилар, рўзғор бузилди, ота бир томон, она бир томон айрилиб кетдилар. Ахду паймонга дарз кетди, тоабад айро тушди. Ўртада эса бегуноҳ болалар бўзлаб қолдилар. Охири бўлмагач, суд ажрим чиқаради. Ота иш жойидан, меҳнат ҳақидан алимент тўлаб туришга масъул ва бурчли бўлади. Нимаики бўлса ҳамки, алимент пули ҳеч қачон бегоналарга кетмайди. Кетса фақат ўз болангизга кетибди. Алимент пули тўлашга қонуний бурчли ва масъул бўлган оталар ишхонадаги раҳбарлари, ҳисобчилари унутсалар ҳамки, суд ижрочилари унутсалар ҳамки, ўзлари унутмасликлари лозим. Чунки алимент пули бошқанинг эмас, ўз болангизнинг ҳаққидир.



Кутиш...
Ҳар ҳолда алиментни эмасмикан?!

Муаммо маҳалладан четга чиқмайди

Жумладан оила мажароси ҳам

Хайрулла аканинг яхши бир одати бор. Уйдаги гапни кўчага олиб чиқмайди.

Ахир, маҳаллада оз эмас, кўп эмас 2913 жон яшайди. Эл қатори уларнинг ҳам яхши-ёмон куни бор. Гоҳи-гоҳида бўлса-да қўйди-чиқди учраб туради. 75 ёшли маҳалла оқсоқоли ана шундай пайтда ўртага тушади. Ҳар икки томонни муросага келтиради. Маҳалланинг шаънини ўйлайди.

Яқинда шу ҳудудда яшовчилардан бири кириб келди. «Участкавойни олиб бизникига юринг, қизимни ажратиб олаяпман, иш ҳал бўлган, фақат мол-мулкини бўлишиш қолган», дейди. Маҳалла раиси «хўп» деди. Бироқ участкавойсиз борди. Келин етти ойдирки, отасиникида яшайди. Қайнота ва куёв бошлаган жанжал оқибатиди етим қолиши мумкин бўлган гулдек икки фарзанд бор. Хайрулла ака икки қудага юзланиб: «Сиз қизингиз, сиз ўғлингизнинг кейинги тақдирини ўйладингизми?», деди. Ўқ нишонга тегди. Ҳозир шу оила аҳилликда ҳаёт кечиришаяпти.

Ёшлар маҳалла оқсоқолини йўқлаб туришади «Сизлар тинч бўлсангиз - биз тинч», деб қўяди Хайрулла ака уларнинг иноқлигидан суюниб.

Маҳалладагилардан яна бири арз-дод қилиб келди. Нима гап, деб сўрашса, «Ўғлим ҳовлидан чиқсин» , дейди. Маҳалла раиси «Кечқурун уйингизга борамиз», деди. Боришди ҳам. Хонадон соҳиби иккинчи бор уйланган. Хотин «ё ҳовлини сотамиз, ё ўғлингиз бизга тўрт хонали уй олиб бersин» деб оёқ тираб олибди. Икки ўт орасида қолган ўғил эса «Озгина маблағ йиғай, сизларга икки хонали уй олиб бераман,» дейди. Маҳалла фаоллари ҳовлини сотиш қонун-қоидасини ва бундан унга наф бўлмаслигини тушунтиришгач хотин ҳовуридан анча тушди. Уй эгаси ҳам елкасидаги оғир юкдан халос бўлди. «Ўғлимга ўзим ҳам кўмаклашиб уй сотиб оламан» , деди у оқсоқолни бир четга тортиб. «Болаларим ўзига тинч яшашса бўлгани».

Бир ҳовлида яшовчи икки овсиннинг жанжали ҳам Бухоро шаҳридаги Янгиер маҳалла фуқаролар йиғини фаолларини анча ташвишга қўйди. Сураб-суриштиришга, кўнгилхираликка арзигулик гап йўқ. Хайрулла ака ҳар иккала овсиннинг тўнгич фарзандлари ёшини сўради. Бири 12, иккинчиси 14 ёшда экан. «Мен ана шуларга куяман, - деди оқсоқол. - Сизнинг жанжалингиз улар тарбиясига қандай таъсир қилишини бир ўйлаб кўринг.

- Уйдаги жанжалга нуқул аёллар сабабчи, деб ўйлаш менимча нотўғри, - дейди шу маҳалла яраштирув комиссияси аъзоси М.Йўлдошева. - Кўпгина дилхираликларга эркакларимизнинг рузғор ташвишидан ўзларини олиб қочишлари ҳам сабаб бўлаяпти.

Дарвоқе, биз юқорида тилга олган оилавий жанжаллар бевосита яраштирув комиссияси аралашуви билан барҳам топган. Комиссия таркиби етти кишидан иборат. Шуларнинг уч нафари аёллар.

- Маҳалла ишларидан ортиб яраштирув комиссияси раислигига қандай вақт топасиз, - дея сўраймиз Х.Шариповдан.

- Биз жанжал чиққан хонадонга одатда ишдан сўнг, кечқурун борамиз, - дейди у киши.

- Оила аъзолари жамулжам пайтда масаланинг ечимини топиш осонроқ бўлади. Тажрибам кўрсатаяптики, ҳар қандай қўйди-чиқдини судбозлик қилмай туриб ҳал этиш мумкин. Масалан, бултур бизда биронта ҳам оилавий ажралиш рўй бергани йўқ. Маҳалла фаолларини ташвишлантираётган масалалар ҳам йўқ эмас, албатта. Улар фикрича, ичкиликбоз ва гиёҳвандларни бу йўлдан қайтариш қийин кечаяпти. «Унақалар кўпми?» деган саволимизга маҳалла посбони Баҳодир Ёқубов «Беш-олтита бор», деб қўйди, афсусланган куйи. Эҳтимол, тиббиётчилар бу масалада маҳалла фаолларига ёрдам қўлини чўзишар...

И.ИБРОҲИМОВ,
А.ПРИМОВ.

Машҳур деб сайлагандик, лекин...

Ҳақиқатдан ҳам маҳалла аҳли қандай бўлса, унинг оқсоқоли ҳам шундай одам, яъни ўз маҳалласининг кўзгусидай бўлади.

Маҳалладошларимизнинг ҳаммаси яхши одамлар, қувноқ, аҳил, лекин ортиқча мулозаматлилигиям бор. Ана шу лозим топилмаган мулозамат туфайли маҳалла оқсоқолини сайлашда озгина хатоликка йўл қўйдик. Ўтган йилги маҳалла оқсоқолини сайлаш бўйича ўтказилган мажлисда кўпчилик бўлиб сергайрат, кўпни кўрган маҳалладошимиз Аҳмад акани (маълум сабабларга кўра исми ўзгартирилди) маҳалла оқсоқоллигига сайламоқчи бўлиб турувдик. У кишининг яқинда нафақага чиққанлиги учун маҳалла тадбирларига бемалол вақти ҳам, рағбати ҳам етади деган мулоҳазада эдик. Лекин оқсоқолликка номзод кўрсатиш палласида бир маҳалладошимиз ўртага чиқиб, бошқа ҳурмат-эътиборли, кенг жамоатчиликка таниқли бўлган ҳаммаҳалламиз номзодини кўрсатиб юборди. У киши ҳозирги вақтда идорада хизмат қилиб келаётганлиги, шунинг учун маҳалла корига унчалик вақт ажрата олмаслигини қаттиқ важ қилиб кўрсатса ҳам маҳалладошларимиз азбаройи у кишининг машҳурлиги, етук, баркамол инсонлигини ҳурмат қилиб, рад жавобини қабул қилишмади. Шу «мулозамат» сабаб бўлдию, хаш-паш дегунча машҳур маҳалладошимизни жамоага оқсоқол этиб сайлашди.

Ҳозирги кунда маҳалламизда деярли бирорта тадбир ўтказилмайди, оқсоқолнинг идораси узоқдан ёпиқ. Узининг норозилигига қарамай «ура-ура» билан сайлаб қўйилган оқсоқолимиз ҳудди фахрий, ҳатто рамзий оқсоқолларга ўхшаб кетади. Наилож, уни ўзимиз сайладик, қолганига ҳам ўзимиз чидаймиз.

А. НОДИРОВ,
маҳалладошингиз.

P.S.ТАҲРИРИЯТДАН: Мамлакатимизда нодавлат идоралар, хусусан ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига кенг имкониятлар, ваколатлар берилаётган айни вақтда унинг сардорлари қандай шахслар бўлиши лозимлиги кўп жойларда баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Оқсоқол хизмат ёшида бўлиши керакми ёки пенсионер, аёл кишими ёки эркак, унинг жамоатчилик олдидаги машҳурлиги қанчалик аҳамият касб этади? Сизнинг маҳаллангизда сардорлик қилаётган оқсоқол қайси жиҳатлари билан қимматли? «Mahalla» газетаси муштарийлари ана шу мавзуларда хатлар кутади.

Юрак бир умр керак

Кўнгил кўчасида юракка хавф кўп

Дунёда инсон кўнглидан кенг, бепоён нарса йўқ. Ва аксинча, одам қалбидек тор, бешафқат нарса ҳам топилмайди.

Дарҳақиқат, биз яшаб турган даврни бемалол асабларимиз кушандаси, дейиш мумкин. Албатта, илм-фан, техниканинг тез ривожланаётгани, деярли барча соҳалардаги илмий кашфиётлар жамиятимиз, қолаверса, бутун курраи замин учун кўплаб фойда келтиради. Лекин бу ҳайратомуз кашфиётлару ҳожатбарор техника воситаларини ўзлаштириш учун инсон мияси беҳисоб куч-қувват сарфлаши натижасида асаб зўриқиши юзага келади. Вужудимиздаги қайси бир аъзо зўриқиб ишласа, худди ана шу аъзо дардга тезроқ чалинади. Асаб тизими ҳам бундан холи эмас. Ана шундай асабий зўриққан ҳолатда арзимаган бир салбий таассурот ҳам бош мия фаолиятини издан чиқариши мумкин. Натижада невроз хасталигини «орттириб» олиш ҳеч гап эмас. Унинг истерия, неврастения, психастения, миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози каби турлари мавжуд бўлиб, айниқса, истерия ва неврастения тури кўплаб учрайди.

Кўпчилигимизнинг меҳнат фаолиятимизда жисмоний ҳаракатлар йўқ ҳисоби. Умуман, ҳозирги замон кишиларида камҳаракатликка мойиллик кучли. Маълумки, мушаклар ҳаракати тананинг турли аъзолари, жумладан, асаб тизимининг нормал фаолиятини таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Узоғимизни яқин қиладиган транспорт турларининг беҳисоблиги, хизматимизга шай турган алоқа воситалари, фаолиятимизнинг асосан эртадан кечгача бир столу стулда ўтиши бизга қулай бўлгани билан танамизга кўп ҳам фойда келтирмайди. Ҳатто ишдан, хизматдан кейин ҳам идоранинг қаттиқ ўриндиқлари уйимиздаги шинам, юмшоқ кресло билан алмашиши, соатлаб ойнаи жаҳон «суҳбати»дан баҳрамандлигимиз, мушакларнинг камҳаракатлиги натижасида юзага келадиган гипокинезия, яъни мушаклар «очлиги» хасталигига энг қулай шароитни юзага келтиради.

Бадфеъл одамлар орамизда кўп бўлмаса-да, барибир учраб туради. «Худо берган феъл-да», деймиз-қўямиз. Қизиғи шундаки, тадқиқотлардан маълум бўлишича бахил, жизакки кишилар бошқаларга қараганда кўпроқ ва тезроқ касаликка чалинар эканлар. Айниқса, юрак ва асаб хасталикларига. Дарҳақиқат, фаолиятим давомида бошига тушган оғир мусибат, ҳаёт зарбаларидан ташқари айнан, кимнидир кўролмай, ҳасадгўйлик, бахиллик оқибатида эси оғиб, тузалмайдиган руҳий хасталикка чалинган кишиларни ҳам кўрганман. Демак, бирон касалликка мубтало бўлишимиз кайфиятимизга ҳам боғлиқ.

Гавдамиздаги барча аъзолар ишини асаб тизимизнинг маркази бўлмиш бош мия бошқариб туради. Мисол учун, юрак бир кеча-кундузда 100 минг марта қисқариб, 9 минг литр қонни худди ўта аниқликда ишлайдиган митти насосдек ўзидан ўтказиб, танага ҳайдайди. Юрагимизнинг бундай беминнат заҳмат чекишининг сир-асрори ҳам унинг бош мия орқали бошқарилишида. Бош мия ўз фаолиятини қўзғолиш ва тормозланиш ҳолатлари орқали бошқаради. Бу икки ҳолат доим бир-бири билан ўзаро мувозанатда бўлади. Ҳар қандай ташқи таъсир хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий, миядан сўнг энг аввало юракка таъсир кўрсатади. Киши ташқи муҳит, турмуш икир-чикирларига таъсирчан бўлгани сари тананинг касаликка қаршилик кучи камая боради. Асабийлашганда, ҳис-ҳаяжонга берилганда юракнинг гупиллаб уриб кетишини ким бошидан ўтказмаган, дейсиз? Хурсандчилик ҳам, хафагарчилик ҳам юрак уришининг тезлашишига, зўриқишига олиб келади. Асабини емирилишдан сақлашни хоҳлаган киши иложи борича ҳар икки ҳолатни ҳам босиқлик, бироз совуққонлик билан қабул қилишни ўрганиши керак. Тўғри, тирик жонмиз, «дардсиз кесак»дек бўлолмаймиз. Агар кузатсангиз, ҳар нарсага куйинчак, арзимасга ҳам «тутаб» кетадиган одамлар ўз тенгқурларига нисбатан тезроқ қарийдилар, ҳаётдан совуб, умуман, бефарқ бўлиб қоладилар. Қуръони Каримнинг ҳамда тиббиёт илмининг уқтиришича, она қорнидаги ҳомила 40-45 кунлик чоғидаёқ одам қиёфасига кириб, ташқарида бўлаётган воқеаларни сеза бошлайди. Ана шу даврдан бошлабоқ ҳар қандай руҳий ҳолат, қалтис ҳаракат дунёга келажак инсоннинг саломатлиги, руҳий дунёсига, шаклана бошлаган асаб тизими, мия фаолиятига бевосита таъсир этади. Онадан иложи борича ортиқча ҳаяжонланишдан сақланиш талаб этилади.

Умуман айтганда, асабни асраш, юракни эҳтиётлаш ҳар биримизнинг шахсий ишимиз. Бу вазифани биз учун бошқа биров минг истаса ҳам, бажаролмайди. Худбин эмас, бироз ўзини ҳам ўйлайдиган, бефарқ эмас, бироз совуққон, масъулиятсиз эмас, бироз куйинчак, бахил эмас, бироз орзу-ҳавасли бўлолган киши «мен бўлмасам, осмон қулайди» дея жонини ҳам, жамиятни ҳам азобга қўювчи, ёки «дунёни сув босса, тўпиғимдан» дея лоқайдлик ботқоғига ботганлардан кўра мазмунли, фойдалироқ ҳаёт кечиради. Тақдирнинг яхши совғасини ҳам, ёмон ташвишини ҳам Яратганнинг инояти, дея қабул қилиш, нафақат кўнглимиз тинчлиги, қалбимиз нурафшонлигини, балки сиҳат-саломатлигимизни ҳам таъминлайди.

Сафар МУҲАМАДИЕВ,
доцент

Она замин саховатлари



Нуронийлик касб этган отахоннинг саховатга тўла очиқ қўлларида ранго-ранг жилоланаётган кишмишлару бозор тўла мева-чевалар ҳам онадек азиз бўлган замин саховатларидандир.

Улар биз туғилиб ўсган тупроқда миришкор деҳқонларимизу соҳибкор боғбонларимиз томонидан етиштирлганидан қанчалик фахру ифтихор, юртимизга ташриф буюрган сайёҳлар кўзидаги ҳайрат учқунларини кўриб ғурурдан бошимиз шунчалик осмонга етади.

Амир Темур ўгитлари

Amir Temur o'gitlari

113

Кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер остидан ўтказилган сув йўли) қурса ё бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидага мувофиқ хирож йиғилсин.

114

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи мансабдорлардан иборат ҳайъат) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин.

115

Хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини гафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

131

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

144

Адоват эмас - адолат енгади.

113

Kimki biron sahroni obod qilsa, yoki koriz (yer ostidan o'tkazilgan suv yoli) qursa yo biron bog' ko'karirsa, yoxud biron xarob bo'lib yotgan yerni obod qilsa, birinchi yili undan hech narsa olmasinlar, uchinchi yili (esa oliq-soliq) qonun-qoidaga muvofiq xiroj yig'ilsin.

114

Xarob bo'lib yotgan yerlar egasiz bo'lsa, xolisa tarafidan obod qilinsin. Agar egasi bo'lsa - yu (lekin) obod qilishga qurbi yetmasa, unga turli asboblar va kerakli narsalar bersinlar, toki o'z yerini obod qilib olsin.

115

Xarob bo'lib yotgan yerlarda korizlar qursinlar, buzilgan ko'priklarni tuzatsinlar, ariqlar va daryolar ustida (yangi) ko'priklar qursinlar, yo'l ustida har manzilgohda rabotlar qursinlar. Yo'llarga kuzatuvchi va soqchilar qo'ysinlar, har bir rabotga bir nechta odamni joylashtirsinlarki, yo'llarni kuzatish va saqlash ishlari shularga tegishli bo'lsin. Yo'lovchilar mollarini g'aflat bosib, o'g'irlatib qo'ymasliklarining vazifasi ham o'sharning zimmasida bo'lsin.

131

Adlu ehson bilan jaxon gulshani obod bo'ladi.

144

Adovat emas - adolat yengadi

Тўпловчи Содиқ МЎМИНОВ.

Муаллимлар тавсияси

ҚЎЙ (21.03—21.04) Ҳафта сиз учун хайрли келади. Ҳафта бошида бошланган айрим нохушликларни енгиб ўтасиз. Маҳбуб ёки маҳбубангиз билан муносабатингиз қизғинлашади. Жума куни дам олиш учун қулай.

БУЗОҚ (22.04—20.05) Ҳафта бошидаги лоқаслик кейинги кунларга ўтмайди, шунингдек шу кунлари алданиб қолишдан сақланинг. Кейинги кунлар енг шимариб ишлашингиз эҳтимоли бор. Дам олиш кунларида севгилингиз кўнглини овланг.

ЭГИЗАКЛАР (21.05—21.06) Ушбу кунлар давомида кўп ишларни бирваракайига амалга оширишга, айниқса, хориж билан боғлиқ ишларни бажаришга шошилманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06—22.07). Ҳафта сиз учун ёмон бўлмайди. Чунончи, шу кунларда молиявий жиҳатдан рағбатлантириласиз. Чоршанбада кўнгилли харидлар қилиш имкони туғилади. Шанба амалий ишларни бажаришга қулай. Якшанбада соғлигингиз хусусида ўйлаб кўринг.

АРСЛОН (23.07—23.08) Шу кунларда соғлигингиз хусусида муаммолар туғилиши эҳтимоли бор, алданиб қолишингиз ҳам мумкин. Қолган кунларингиз ёмон бўлмайди, айниқса, дам олиш кунларида пулингиз кўпайиб қолиши мумкин.

ПАРИЗОД (24.08—22.09) Келаётган ҳафтада бизнес ва молиявий масалаларда катта ишларга қўл уриш тавсия этилмайди. Айниқса ҳафтанинг ушбу кунларида соғлиқ ва ўзаро муносабатларда жиддий муаммолар туғилиши мумкин. Ҳафта охирлари ҳам мушкул кечади.

ТАРОЗИ (23.09—22.10) Ҳафта ҳар томонлама сизга омад келтиради. Бизнес ва молияга тааллуқли ишларни ҳафта бошларида, яъни ушбу кунларда бажаришга ҳаракат қилинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида алдаб кетишлари ёки саломатлик борасида муаммолар туғилиши мумкин. Дам олиш кунларида яхши ҳордиқ чиқаринг.

ЧАЁН (23.10—22.11) Ҳафта яхши харидлар қилиш ҳамда қизғин меҳнат қилиш учун қулай. Шунингдек, хушхабарлар эшитишингиз мумкин. Пайшанбада зиддиятларга дуч келишдан эҳтиёт бўлинг.

ЎҚОТАР (23.11—21.12) Ҳафта бошида амалий ишларингиз бароридан келган бўлса-да. Лекин ундан кейинги кунларда атрофдагилар билан келишмовчиликлар юз бериши ҳамда соғлигингиз хусусида муаммолар туғилиши мумкин. Шанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Якшанбада хушхабарлар эшитасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—19.01) Ҳафта сиз учун ҳар томонлама хайрли келади. Аммо чоршанбада алданиб қолишдан сақланинг. Дам олиш кунлари бизнес соҳасида омадингиз келади.

ҚОВҒА (20.01—19.02) Бизнес ва молиявий ишларни ушбу кунларда бажаринг. Бундан кейин бироз нохушликлар рўй бериши мумкин. Дам олиш кунлари севгилингиз кўнглини овланг.

БАЛИҚ (19.02—20. 03) Ҳозир молия ва амалий ишлар борасида қулай. Ҳафта ниҳоясида ҳам ишларингиз юришади. Пайшанба дам олиш учун қулай.

А.ҲАЙИТМЕТОВ

Тарихдан тариқдай

Бойлик йўқолди, байт қолди

Дунёда шоирлар кўп ўтган. Лекин улар орасида Шамсиддин Муҳаммад Ҳожа Ҳофиз (1325-1389)дек ширинсўз ва ҳозиржавоблилари кам топилади.

Алишер Навоий «Девони Фоний» китобида унинг 250 дан ортиқ ғазалига татаббу ёзгани тасодифий эмас. Мен 1996 йили ноябр ойида Шерозда бўлиб, унинг қабрини зиёрат қилар эканман, бу даргоҳга қадам ранжида қилувчиларнинг кети бир дам бўлса ҳам узилмаганини ўз кўзим билан кўрганман.

Ҳофизнинг бошқа шоирлардан яна бир фарқи шундаки, унинг ҳар бир шеъригина эмас, ҳар бир байти ҳам алоҳида аҳамиятга эга ва алоҳида ўрганилади. Мен ҳам бу ўринда Ҳофизнинг бир байтига тўхталиб ўтишни лозим топдим.

Кунларнинг бирида Ҳожа Ҳофиз янги бир ғазалини ёзиб, одатдагидек, ўз яқин кишиларига ўқиб берган. У қуйидаги матла билан бошланган эди:

Соқий, ба нури бода барафрўз жоми мо.
Мутриб, бигўки, кори жаҳон шуд ба коми мо.

Шеърда бу хил риндона байтлар билан бир қаторда ниҳоятда жозибали ишқий сатрлар ҳам кўп бўлиб, уларда инсон боласининг беғубор ва шўх ҳис-туйғулари ўзининг гўзал ифодасини топган. Эртасига кечқурун Ҳофиз шаҳар четидаги Рукнобод деган манзилда йиғилган дўстларига ҳам бу ғазалини ўқиб берган. Чиндан ҳам унда муҳаббат ва гўзаллиги бетакрор жўшқин мисраларда берилган эди. Бу ғазални бизнинг ажойиб истеъдодли Хуршид домла шундай тарзда таржима қилган эдилар:

Эй соқий, бода нурила порлат шу жомимиз,
Созанда, чал-жаҳоннинг иши бўлди ромимиз.
Кўрдик нигор акси жамолин пиёлада, -
Боис бўлиб қадаҳ кўтаришга давомимиз.
Ноз у карашма, ишва қилур қадди сарвлар, -
Келмакда деб у сарви санобар хиромимиз.
Ҳеч ўлмагай кишики, дили ишқ ила тирик;
Олам саҳифасин бошида бизни номимиз...
Гар дўстларимни боғи томон эссанг, эй сабо,
Албатта, ёри жонга еткур саломимиз...
Мастликнинг завқи дилбари барно кўзига хос;
Ул юзда ихтиёримиз, ул зулф домимиз.

Ҳамма бу шеърни жон қулоғи билан тинглаб, яна бир бор Ҳофизнинг шоирлик иқтидорига таъсанно айтганлар. Улар орасида фақат биргина одам, Ҳофизнинг энг қадрдон дўсти, мухлиси Ҳожи Қавомиддин бу шеър юзасидан унга норозилик билдиришга журъат этган. Ҳамма ҳайрон. Ҳофиз учун ҳам бу кутилмаган ҳодиса эди. Ҳожи Қавомиддин ўз даврининг энг бой ва давлатманд кишиси бўлиш билан бирга, доим Ҳофизнинг ҳолидан хабар олиб турар, унинг тирикчилик билан боғлиқ барча мушкилотларига қалқон, унинг кўп йиллик улфати, беғараз ҳомийси эди. Шу чоғда юзидан Ҳожи Қавомиддиннинг бирозгина кайфи ҳам бўлганми, шунинг кучи билан дўстига шундай гинахонли қилган:

– Эй дўсти қадрдоним! Қачон қараманг, шеър ёзсангиз ишқдан гапирасиз. Оғзингиздан ёрнинг нозу карашмаси-ю, сарв қаддию чашми сиёҳи тушмайди. Ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлмоғи керак. Сиз билан мен қарийб йигирма йилдан буён улфатчилик қиламан. Бир дастурхондан овқат еймиз. Хурсандчиликда ҳам биргамиз, хафачиликда ҳам. Шеърларингизда, ўрни келганда, ҳар замонда бир бизни ҳам эслаб қўйсангиз нима бўлади?

Ҳофиз ногоҳоний бу саволдан бироз ўзини йўқотиб, жим турган. Барчанинг кўзи унда. Сўнг шоир ўзига келиб:

– Ҳожим, осмонга қаранг! - деган. У осмонга қараган.

Ҳофиз:

– Энди ойга ҳам қаранг! - деган.

Ҳожи Қавомиддин:

– Кўзим янги чиққан ойда! - деган.

– Энди қулоғингизни менга қаратинг-да, эшитинг! - деган Ҳофиз ва шу дақиқа сахийликда тенги йўқ, ажойиб инсон - Ҳожи Қавомиддинни таърифлаб, қуйидаги бадеҳа йўли ила яратган байтини баланд овоз билан ўқиган:

Дарёст аҳзару фалак киштий ҳилол -
Ҳастанд ғарқ Ҳожи Қавоми мо!

Даврлар ўтиб, Ҳожи Қавомиддин ва унинг давлатидан энди ному нишон ҳам қолмаган. Аммо унинг номи Ҳофиз шеъриятида то қиёматгача қаттиқ муҳрланиб қолгани аниқ.

Ҳофиз шеърларини ўзбек тилига таржима қилган Хуршид домла бу шеър таржимасида ушбу байтни тушириб қолдирганлар. Нима сабабдан бундай қилганлари менга номаълум. Бу байтни мен қуйидагича таржима қилган бўлур эдим:

Ложувард денгизу янги ой сузган фалак -
Ҳечдир, то тирик сахий Ҳожи Қавомимиз!

Сурхондарё

Фойда бирга, зарар кўпга

Агар ёдингизда бўлса, 1994 йил 6 май куни ва 1998 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотларини олиб келиш, сақлаш ва тарқатилишини назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинган эди.

Мазкур қарорларнинг бажарилиши Термиз туманида қай тариқа амалга оширилянти? Бу ҳақда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Иззатулла УСМОНОВ шундай деди:

– Ўтган йил давомида 12 та текшириш ўтказилди. Текширишлар автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида муайян камчиликлар борлиги, мижозларнинг арз-шикоятларида ҳам асос етарли эканлиги маълум бўлди. Масалан, туман нефть маҳсулотлари корхонасига қарашли бўлган 22-АЁҚШ оператори Р.Умбаров харидор Х.Чориевга 31 литр «А-72» бензин сотиб, нафсига эрк берди. Оператор ундан 415 сўм ортиқча олди. Бу ҳам етмагандек, хазинада 81 минг 765 сўм камомад борлиги, устига-устак назорат кассасининг ишлатмаётганлиги ошкор бўлди. Ёки бўлмаса «Ишонч-ПА» хусусий фирмасига қарашли 1-АЁҚШ оператори Б.Хўжамбердиев харидор Б.Оқмуродовга 20 литр «А-72» бензин сотиб, унинг ҳақидан 200 сўм уриб қолади. Текшириб кўрилганда, сиғимда 7,5 минг сўмлик бензин камлиги ва хазинасида ортиқча пул борлиги аён бўлди. Юқорида номлари тилга олинган ҳар иккала оператор ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Mahalla» мухбири.

«Соғлом авлод» давлат дастури - амалда

Жамғарма ҳиммати

«Маҳалла» хайрия жамғармаси Ҳамза туман бўлинмаси болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилашга даъват этган дастур ҳужжатидан руҳланиб фаолият кўрсатмоқда.

- Кам таъминланган фуқаро Л.Котлованинг жамғармамиз маъмуриятига қилган мурожаати изсиз қолмади, - деди жамғарма бўлинмаси ҳамда туман маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши раиси Барот Саломов. - Унинг қизи Г.Котлова кўзи ожизлиги туфайли ўқиш, таълим олиш бахтидан бебаҳра эди. Шу туфайли жамғармамиз туман ҳокимлиги билан келишган ҳолда беморнинг кўзини операция қилиб даволатиш учун республика Миллий банкининг Тошкент шаҳар бўлими ҳисоб рақамига 177450 сўм миқдорида пул ўтказиб беришга қарор қилди.

«Туркистон-пресс»

«ТЕЗТИБСЕРВИС» МЧЖ тугатилади.
Даъволар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

«Ташчетэлқурилиш» АЖ ишлаб чиқариш технологияси комплекси бошқармаси 01.01.2000 йилдан тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Бобур кўчаси (Педагогика университети ёнида)да 20 сотих майдонли 3 та уй ва «Океан» дўкони ёнида 5 хонали уй сотилади. Телефон: 55-77-22.

Қурилиш учун Генерал Каримов кўчаси («Роҳат» кўли атрофи)дан ер майдони сотиб оламан. Телефон: 55-77-22.

Инглиз тили ва компьютерда ишлаш ўргатилади. Телефон: 77-83-62.

ТАШКИЛОТ
190 ҳажмли аккумуляторларни чекланмаган миқдорда
СОТАДИ.
Тел.: 29-62-72, 29-50-54, 130-91-76

SPORT

Кучлилар аниқланди

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуи икки кун давомида жаҳоннинг энг сара юнон-рум курашчиларига мунтазир бўлди. Унда 42 та мамлакатнинг икки юзга яқин спортчилари саккиз вазнда беллашишди.

— Сидней Олимпиадасига йўлланмани қўлга киритиш учун учинчи босқич саралаш турнири барча иштирокчилар каби вакилларимизга ҳам осон бўлмади, - деди терма жамоамиз бош мураббийи Комил Фатхулин «Туркистон-пресс» мухбирига.

— Баҳсларнинг қийин кечганини шундан ҳам билсак бўладики, ҳатто бир неча бор Олимпиада, жаҳон ҳамда қитъалар чемпионлари бўлган полвонларнинг ҳам кураги ерга тенгди. Олти нафар курашчимизнинг ҳам имконияти юқори эди. Афсуски, уларнинг барчаси ҳам финалгача етиш бахтига эришолмади. Финал босқичида Шамсиддин Худойбердиев (54 кг) хитойлик рақиби Ванг Ҳу Айга 4:2 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, яна бир курашчимиз Евгений Ярафайлов (76 кг) ҳам кореялик полвон Ким Жим Суга тан беришга мажбур бўлди. Иккаласи ҳам иккинчи ўрин соҳиби бўлди. 97 килограмм вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган полвонимиз А.Чеглаков ҳам учинчи ўрин билан кифояланди. Қўлга киритган ушбу ютуқларини мустаҳкамлаб, Сиднейга йўл олиш учун улар АҚШ ва Мисрда ўтказилажак кейинги босқич саралаш турнирларида ҳам ана шундай совринли ўринларни банд этишлари лозим. «Мустақиллик кубоги» учун бўлиб ўтган Олимпиадага саралаш мусобақасида саккиз вазндаги ғолиблар маълум бўлди. Улар Ванг Ҳу Ай (Хитой), Карен Мнасаканиян (Арманистон), Николай Монов (Россия), Ким Жим Су (Корея), Анес Фритз (Норвегия), Давид Солдадзе (Украина), Бокир Фотиҳ (Туркия).



Шунингдек, ташкилотчилар томонидан нуфузли мусобақа давомида баҳсларни кузатиб борган кўплаб Олимпиада, Жаҳон ва бошқа қитъа чемпионлари бўлган хорижлик фахрий меҳмонларга миллий урф одатимизга кўра кимхоб тўнлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

«Туркистон-пресс»

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Иброҳим РАҲИМ,
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам ҚОСИМОВ.

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ

Сахифаловчи:
Лилия БИНАШЕВА

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-130

Топширилди—20.30